БУГУНГИ СОНДА:

**АКТ соҳасида семинар**


2-бет


**Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш осон ва содда тизимда амалга оширилмоқда**
2-бет

**“O‘zyengsanloyiha”: 85 лет проектируем будущее**

4-бет

**Семинар-тренинг ташкил этилди**

4-бет


# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 41 (594)
2022 йил 10 июнь, жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ ЕТАКЧИЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

9 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Фумио Кисиданинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Кўп қиррали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Етакчилар мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ҳамда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шерикликнинг 20 йиллиги билан бир-бирини самимий қутладилар.

2019 йил декабрь ойида Токио шаҳрида ўтган саммит ва олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиб, уларни амалий мазмун билан бойитгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда – жорий йил бошидан товар айирбошлаш кўрсаткичлари икки баробарга ошди. Япония етакчи компанияларининг иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри инвестициялари кўпаймоқда, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида кўплаб янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Энергетика қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш, саноатда, шу жумладан, машинасозлик ва кимё тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш, меҳмонхоналар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича биргаликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда ўзаро ҳамкорликда илк бор ташкил этилган Япония Рақамли университети фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари Япония Бош вазири ва Ҳукуматига Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Япониянинг JICA агентлиги ва Халқаро ҳамкорлик банки – JBIC доирасида кўрсатилган молиявий ва молиявий-техник кўмак ҳажми 7 миллиард доллардан ошгани таъкидланди.

Бундан ташқари, ҳукумат делегацияларининг жорий йилда ўтказилган сермаҳсул учрашув ва музокараларининг натижалари юқори баҳоланди.

Етакчилар инновациялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, фан ва таълим соҳаларида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастурлари ва парламентлараро мулоқотни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар.

Осака шаҳрида ўтказиладиган “ЭКСПО – 2025” бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистоннинг кенг миқёсли экспозициясини ташкил этишга келишиб олинди.

Мулоқот чоғида халқаро кун тартибидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Япония Бош вазири мамлакат БМТ Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши, Корея ярим оролини ядровий қуролдан холи ҳудудга айлантириш ва ўғирланган япон фуқароларини қайтариш масалаларида Ўзбекистон муттасил қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти Япония томонини Кумамото шаҳрида Сув саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади ҳамда Япония Ҳукумати раҳбари томонидан кенг минтақамизда барқарор тараққиёт ва равнаққа эришиш мақсадида илгари сурилган Осиёда амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бош вазир Фумио Кисида, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ишонч, яхши қўшничилик ва кенг кўламли шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларини ҳамда Афғонистонда бардавом тинчлик ва иқтисодий тикланишни таъминлашга кўрсатаётган кўмагини юксак баҳолади.

“Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бутун салоҳиятини ишга солишдан иккала томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Суҳбат якунида Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Фумио Кисидани мамлакатимизга расмий ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон ва Япония етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очиқ, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## СЎХЛИК БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ












**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Жамиятимизда барча соҳаларда айтса арзигулик ишлар қилиниб, бу жараён 2022-2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида ҳам давом этмоқда. Қурилиш ва бунёдкорлик ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш юзасидан Президентимиз кўрсатаётган ташаббус ва юксак эътибор натижасида Фарғона вилоятининг Сўх туманида ҳам улкан янгиланишлар амалга ошириляпти.**

Айниқса, Давлат раҳбарининг 2020 йил 8 августдаги “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳудуд қиёфасини янгиланишига асос бўлди. Маълумот учун айтиш керак, бундан беш-олти йил аввал Сўхда аэропорт қурилади, туман ёшлари учун олий таълимда махсус грантлар ажратилади ва керакли имтиёзлар берилади, дейишса, турган гапки, биров ишонмасди. Бироқ борни-бор, дейиш керак. Мана, орадан атиги икки йил ўтди, нафақат таъкидланганлар, балки бошқа ижтимоий соҳалар ҳам юксак даражада қарор топиб, аҳолининг фаровонлиги янада ортмоқда. Буларнинг барчаси Давлат раҳбари бошлаган изчил ислоҳотлар энг аввало, инсон қадри улуғланиши ҳамда халқимизга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Яқинда ана шу туманда замон талабларига мос бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган – “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ҳудудда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давомидир. Оромгоҳ қурилишида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 500 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳар томонлама талаб даражасидаги замонавий оромгоҳнинг қурилиши ҳам сўхликлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Умумий майдони қарийб 5 гектардан иборат болалар соғломлаштириш оромгоҳи 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, ёзги мавсумда 5 босқичда 1 000 нафар бола дам олади. Бу эса республикамизда ёш авлод вакилларини ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилганининг ёрқин ифодасидир.

Айтиш жоизки, оромгоҳ ўғил-қизларни нафақат мароқли дам олдириш ва жисмонан чиниқтириш, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилувчи марказ сифатида фаолият кўрсатади. Масалан, маданият ва маърифат маркази, китоблар захирасига эга замонавий ахборот-ресурс маркази, тадбирларни ўтказишга мўлжалланган тантаналар майдони, амфитеатр, тиббиёт хонаси, замонавий лойиҳалар асосидаги ётоқ бинолари, ложувард фаввора, энди буларнинг барчасидан болажонлар самарали фойдаланишади.

Бугун мамлакатимизда ўтаётган янгиланишлар жараёнида баркамол авлодни тарбиялаш масаласида ҳам жиддий ишлар қилинмоқда. Бу борадаги давлатимиз тажрибаси халқаро экспертлар ҳамда нуфузли ташкилотлар эътиборини тортаётгани бор гап. Зотан, болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга йўналтирилган амалиёт Ўзбекистонда яратилган ноёб тизимлардан биридир.

## КЕГЕЙЛИ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА

**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси катта бунёдкорлик майдонига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб боріляпти. Бунинг натижасида йўл, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, таълим, тиббиёт соҳасидаги муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлаш билан бир қаторда аҳолини даромадга йўналтириш, шу орқали ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари ҳам амалга ошириляпти.**

Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилиш ясаши кўзда тутилаётган истиқболли лойиҳада андижонликлар ҳам фаол қатнашмоқда. Улар томонидан Кегейли туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадига йўналтирилган ишлар авжида. Мазкур ҳудудда андижонлик тадбиркорлар томонидан 2022-2023 йиллар давомида умумий қиймати 604 миллиард сўм бўлган 23 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада 1 700 та янги иш ўрни яратилади.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадига йўналтирилган бунёдкорлик ишлари ҳам давом этмоқда. Хусусан, тумандаги Жузим бағ маҳалласида “Najim Keneges Tamarqa Xizmeti” МЧЖ фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш учун 36 ойга 6 ой имтиёз асосида 300 миллион сўм кредит мабалағи ажратилди. Бунинг натижасида 5 нафар фуқаро доимий иш жойига эга бўлади.

Маҳаллада юзага келган энг катта муаммолардан бири аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, бу борадаги ечим туфайли кўплаб оилаларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш кўзда тутилган. Амалга оширилган ишлар эса бугун ана шу мақсад йўлида қўйилган илк қадамларнинг самарасини бермоқда. Жумладан, “Ниҳол текс” МЧЖ томонидан фаолияти йўлга қўйилган пайпоқ тўқиш фабрикаси Жузим бағликлар учун байрам тантанасига айланиб кетди. 100 та янги иш ўрнига эга корхонанинг очилиш маросимида сўз олган Андижон вилояти ҳокими бу хайрли ишларнинг дебочаси эканлиги, ҳали юзлаб янги иш ўринлари яратилиши ҳақида гапирди.

Кейинги йилларда Андижон вилоятида фармацевтика соҳаси жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу ҳудудда нафақат, янги иш ўринларининг яратилишида, балки, тиббий воситаларнинг арзонлашишида, тиббиёт соҳасини сифатли анжомлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этяпти. Қувонарлиси шундаки, ана шундай ютуқлар энди Кегейлида ҳам кенг қулоч ёяди. “ANDIJON MAKRO PHARM” МЧЖ томонидан бунёд этилаётган бир марталик шприц ишлаб чиқариш корхонаси бу борадаги амалий қадамдир. Корхонанинг лойиҳа қиймати 67,9 миллиард сўмни ташкил этади. 2023 йилда ишга туширилиши режалаштирилган бу масканда яна 100 та янги иш ўрни яратилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий шароитидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бу ерда иссиқхона йўналишида фаолият юритиш келгусида ижобий самара беради. Бу эса андижонлик ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишлари учун янги имконият эшикларини очади. “BOBUR-BERDAX” МЧЖ томонидан барпо этилаётган иссиқхона бунга яққол далилдир.



2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№41 (594) 2022 йил 10 июнь

ҚАРОР ВА ИЖРО

# Кўп квартирали уйлар конструкциясини бузганларга қандай чора кўрилади?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кўп қаватли уйларда яшовчилар яхши билишади, одатда биринчи қаватда яшовчи аҳоли томонидан уй атрофига қўшимча бино қуриб олиш ёки балконни кенгайтириш каби ноқонуний қурилишлар кўп амалга оширилади. Баъзида тегишли мутасаддилар бу каби ноқонуний қурилишларни текшириб, буздиришганига ҳам гувоҳ бўламиз. Аммо орадан кўп ўтмай вазият яна ўша-ўша...**

Бундай вазиятда қонун билан уларга нисбатан қандай чоралар кўрилиши кераклигидан хабаримиз борми?

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган Қонун (ЎРҚ–773-сон, 31.05.2022 й.) билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгаришлар айнан шу мавзуга алоқадорлиги билан аҳамиятлидир.

Унга кўра, эндиликда кўп квартирали уйларни бошқариш қоидаларини бузиш мансабдор шахсларга БҲМнинг 15 баравари (4 млн 500 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Кўп квартирали уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан, кўп квартирали уйларда ва кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қуриш ишларини амалга оширган фуқаролар БҲМнинг 30 бараваригача (9 млн сўмгача) жарима тўлайди. Мансабдор шахсларга эса 50 бараваригача (15 млн сўмгача) миқдорда жарима тўлаши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Қонунга кўра, ушбу ҳуқуқбузарликни (тўсиқ конструкцияларга оид қисмида) биринчи марта содир этган шахс, агар у кўп квартирали уйдаги тўсиқ конструкцияларнинг амалга оширилган ўзгартирилишини ёки уларни реконструкция қилиш туфайли йўл қўйилган бузилишларни, кўп квартирали уйга туташ ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни (иншоотларни), шунингдек, уларнинг оқибатларини ихтиёрий равишда бартараф этса, жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси томонидан кўриб чиқилади.

Қонун билан Солиқ кодексига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилиши кутилмоқда. Унга кўра, бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартирали уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар ҳамда бажарилаётган ишлар бўйича айланма солиқ солишдан озод этилади. Бу бўйича кўрсатилган хизматлардан ҳамда бажарилган ишлардан олинган маблағлар солиққа тортилмайди.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Маълумот учун, Уй-жой фонди инспекцияси томонидан жорий йилнинг май ойида кўп квартирали уйлар ва уларга туташ ер участкаларининг техник ҳолатини ўрганиш жараёнида 405 та ноқонуний қурилмаларга нисбатан чоралар кўрилди. Жумладан, 81 таси мулкдорлар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ бартараф этилди. 324 та ноқонуний қурилмаларга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб судга киритилган.

Шундан, 324 таси бўйича суд қарорларига асосан айбдор мулкдорларга нисбатан 200,92 млн сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилган.

# КЕГЕЙЛИ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА



1-бет

Ҳар қандай соҳа тараққиёти етук билимли кадрларга боғлиқ. Бу борада энг аввало, халқ таълими соҳасини ривожлантириш, ёшларга дастлабки билимни пухта ўзлаштиришлари учун етарли шароит яратиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, тумандаги мактаб ўқувчилари учун Андижон вилояти ҳокими стипендиясини тайинлаш, Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби ва Кегейли туманидаги 19-умумий ўрта мактаб ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, танлов ва лойиҳалар ўтказиш масалалари йўлга қўйиладиган бўлди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қиличбозлик спорт тури ва мусиқа анжомлари билан таъминлаш, IT маркази очиш учун таклиф, волейбол мусобақасини ўтказиш масалалари ҳам эътибор марказида.

Бундан ташқари, вилоят ҳокими томонидан тумандаги 17-умумий ўрта мактаб ҳудудига бадминтон майдончасини барпо этиш учун 50 миллион сўм ва бир нафар ёш ижодкорнинг китобини чоп этиш учун 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, иқтидорли, фаол ва спортчи ёшларга эсдалик совғалари топширилди. Бу каби эътибор уларнинг иқтидорини намойиш этиш, қобилиятини шакллантириш учун туртки бўлиши, шубҳасиз. Тез орада туман ёшларининг Андижон вилоятига саёҳати тўғрисидаги хушхабар эса уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ташкил этиш йўлидаги самарали ҳаракатлар ифодасидир.

Хабарингиз бор, Андижон вилоятида оилаларда тадбиркорликни ривожлантириш, уйдан чиқмаган ҳолда даромадга эга бўлиш ёки қўшимча маблағ ишлаб топиш борасида етарли тажриба тўпланган. Эришилган натижалар ижобатини эндиликда Кегейли туманида амалда жорий этиш вақти келди. Жумладан, Қумшунгил маҳалласида фаолият олиб бораётган "Етти хазина жилваси" паррандачилик кластери фаолиятини хонадонлар шароитига ихтисослаштириш масалалари кўриб чиқилди. Икки гектар майдонда барпо этилаётган паррандачилик комплексининг лойиҳа қиймати 20 миллиард сўмни ташкил этади. Мазкур ҳудудда эчки, курка ва қуён боқилиб, 6 минг тонна гўшт маҳсулоти етиштириш режалаштирилган. Шунингдек, 5 тонна эчки юнги олинади.

"Қумшунгил ҳалал барака" МЧЖ томонидан маҳалладаги 50 та хонадоннинг ҳар бирига 10 бошдан курка ва қуёнлар тарқатилди. Уларни парваришлаш, даромадга йўналтириш тўғрисида маълумотлар берилди. Бу каби имкониятлар оила аъзолари бандлигини таъминлаб, иқтисодий-ижтимоий ҳолатини яхшилашга хизмат қилиши амалий мисоллар ёрдамида тушунтириб берилди.

Кегейли туманини комплекс ривожлантириш ҳар бир маҳалланинг Андижон вилоятидаги мавжуд шаҳар ва туман ҳокимликларига бириктирилиши ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жумладан, Пахтаобод тумани ҳокимлиги томонидан Нурли бўстон маҳалласида бунёд этилган оилавий боғча, гўзаллик салони, кутубхона ва 10 ўринлик тикувчилик цехининг фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ушбу марказда банд бўлмаган ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида фойдали ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган ёшлар дўппичилик, сават тўқиш ва косибчилик йўналишларида ҳунар ўргатишга жалб этилдилар. Тез орада улар ўзларининг ҳунармандчилик фаолияти билан атрофдагиларни ҳам даромадга йўналтиришлари мумкин бўлади.

Марҳамат туман ҳокимлиги томонидан Жулиан жап маҳалласида иш бошлаган пайпоқ тўқиш корхонаси эса ҳудудда енгил саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш, ишчиларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш борасидаги самаралар ижобатидир.

Шунингдек, Актуба маҳалласи ҳудудидаги "Янги Ўзбекистон" массивида қурилаётган ҳар бири 30 хонадондан иборат 7 та кўп қаватли турар жойлар кегейлилик ҳамюртларимизнинг фаровон турмуш кечиришлари учун янги имконият эшикларини очиши, шубҳасиз.

Аслида Ватан маҳалладан бошланади. Маҳаллада яратилган шароит мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётини ўзида ифода этади. Шу боис, ҳар қандай шароит энг аввало, қуйи бўғиндан илдиз отиши мақсадга мувофиқдир. Масаланинг шу жиҳатларига эътиборни қаратган андижонлик бунёдкорлар маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолларнинг хизмат қилишлари ва фуқароларни қабул қилиш учун қулай шароит яратишга киришганлар. Жулиан жап ҳамда Актуба маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари учун бунёд этилган янги бинолар, Халқобод маҳалласида енгил конструкцияли контейнерлардан қурилган замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари эндиликда аҳолига сифатли хизмат кўрсата бошлади.

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида тарих китобидан ўчмас саҳифалар битса арзигулик воқеа-ҳодисалар рўй бермоқда, юзага келаётган ўзгаришлар Янги Ўзбекистон қиёфасини акс эттирмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўзига хос тараққиёт йўлида турибди. Энди унинг борадиган нурли манзили аниқ. Ана шу манзилда одимлаётган қардошларимиз сафида андижонлик фидойи ва танти инсонлар ҳам бирга эканлиги кишига куч бағишлайди. Зеро, бизнинг манзилимиз бир, мақсадимиз муштаракдир.

# АКТ соҳасида семинар

**Оловуддин ТУРСУНБОЕВ,**
Қурилиш вазирлигининг Ахборот тизимлари ва рақамли технологиялар бўлими бош мутахассиси.

**Электрон ҳукумат инфратузилмаси ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида юқори кўрсаткичларга эришган Эстония давлати билан ҳамкорликни йўлга қўйди.**



Шу муносабат билан, эстониялик мутахассислар билан ҳамкорликда "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини амалга ошириш ва рақамлаштириш соҳасидаги яна кўплаб ислоҳотларни қўллаб-қувватловчи ўқув семинар бўлиб ўтди. Унда Қурилиш вазирлигидан масъуллар ҳам иштирок этди.

Республикамизнинг 70 дан ортиқ давлат ва хўжалик органлари, Ахборот технологиялари ва коммуникациялари бўлимлари раҳбарлари иштирок этган тадбирда соҳа ходимлари томонидан ахборот технологиялари бўйича муаммо ва таклифлар тингланди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов сўзга чиқиб, раҳбарларни ҳамкорликка ишлашга чорлади.

Учрашув давомида "Рақамли Ўзбекистон – 2030" доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, 444 лойиҳадан шу вақтга қадар 288 таси амалиётга тадбиқ этилган.

Шунингдек, учрашув давомида давлат органларида ахборот хавфсизлигини таъминлашда асосий йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам мутахассислар томонидан айтиб ўтилди. Йиғилишда иштирок этган соҳа раҳбарларига очиқ мулоқотлар порталининг маълумотларини шакллантириш ҳамда киберхавфсизлик бўйича тавсиялар ҳам берилди. Эстониянинг электрон ҳукумат ва рақамлаштириш борасидаги тақдимоти намойиш этилиб, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида очиқ мулоқот шаклидаги савол-жавоблар ҳам ўтказилди.

# Мутахассислар халқаро анжуманда

**Европа Иттифоқининг "PROMHOUSE" лойиҳаси доирасида Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида профессионал бошқарув сервис компаниялари вакиллари, коммунал соҳада кадрларни тайёрловчи мутахассислар ҳамда қатор идора ва манфаатдор ташкилотлар масъуллари учун халқаро анжуман ўз ишини бошлади. Унда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мутахассислари ҳам иштирок этишмоқда.**

Анжуманнинг биринчи куни Ўзбекистон ва Қозоғистон уй-жой секторлари уюшмалари ўртасида давра суҳбати ўтказилди. Унда кўп қаватли уйлар бошқаруви тизимини ривожлантириш, бунда касб-ҳунар таълимини янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, ўқув даргоҳларига ўқитувчиларни тайёрлашда тренинглар тармоғини яратиш ва дуал таълимни ташкил этиш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, тадбирда housemaster (уй устаси)нинг коммунал соҳадаги ўрни, соҳани такомиллаштиришдаги янги хорижий тажрибалар таҳлил қилинди. Томонлар коммунал соҳани ривожлантиришда ННТларининг ўрни ҳақида ҳам тўхталиб, келгусидаги зарур вазифалар бўйича фикр алмашишди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон бошқарувчи ташкилотлари уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Уй-жой инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири ҳисобланади. Шу боис, у ишончли ва хавфсиз бўлмоғи лозим. Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш соҳасини рақамлаштириш ҳамда энерготежамкор технологияларни жорий этишнинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Ўз ўрнида соҳа мутахассислари махсус билим ҳамда кўникмаларга, касбий малакасини доимий ошириб бориш имкониятига эга бўлиши лозим.

"Promhouse" лойиҳасининг навбатдаги "Уй-жой фондини профессионал бошқариш йўлида" мавзусидаги давра суҳбати айни шундай мулоҳазалар билан бошланди. Мазкур давра суҳбати кўп қаватли уйларни сақлаш ва бошқаришнинг замонавий моделлари, ечимини кутаётган масалалар, соҳадаги янги тенденциялар ва уларнинг аҳамияти ҳақида бўлди. Шунингдек, икки мамлакатнинг уй-жой фондини профессионал бошқаришдаги тажрибаси, ўзига хосликлари муҳокама қилинди.

– Кўп қаватли уйларга самарали фаолият кўрсатишнинг асоси таълим тизимини ривожлантиришдир, – дея таъкидлади Қозоғистон Уй-жой ислоҳоти қўмитаси раҳбари Аркадий Рубцов. – 10 йиллик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, кадрларни мутахассислик бўйича ўқитмасдан туриб, катта натижаларга эришиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Шунингдек, умумфойдаланиш объектларини сақлашда аҳоли дахлдорлигини ошириш, бу бўйича тизимли ишларни олиб бориш зарур.

Давра суҳбатида Ўзбекистон профессионал бошқарув ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори Раҳима Ортиқова сўзга чиқиб, мамлакатимизда кўп қаватли уйларни бошқаришни мувофиқлаштирувчи қонун ҳужжатлари, соҳадаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборот берди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИШ

## осон ва содда тизимда амалга оширилмоқда

**Ойбек ХИДАЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш
бўлими бошлиғи.

**Бугун барча соҳалардаги каби қурилиш соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида фаолият олиб бораётган платформа ва электрон тизимларнинг йўлга қўйилиши натижасида юртдошларимизнинг ишлари анча осон битиб, оворагарчиликка ҳожат қолмаяпти. Муҳими, эндиликда лойиҳа ташкилоти раҳбари бевосита масофадан турган ҳолда онлайн равишда тез ва осон ҳолатда лицензия олиш имконига эга. Бу албатта, улар учун ҳам катта қулайлик яратмоқда.**



Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуни, Президентнинг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сонли Фармонида лицензия ва рухсат бериш туридаги давлат хизматларини "Лицензия" ахборот тизимида тўлиқ ишга тушириш белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда Қурилиш вазирлиги томонидан 4 турдаги лицензиялар онлайн равишда берилади. Жумладан:

– архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензия;

– хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятига лицензия;

– баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятига лицензия;

– кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш фаолиятига лицензиялар.

### ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ УЧУН АРИЗА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?

Ушбу лицензияларни олиш учун "license.gov.uz" ахборот тизими орқали мурожаат йўллаш мумкин.

Ариза кўриб чиқилганлиги ҳамда лицензия бериш учун йиғимлар ва давлат божлари реал вақт режимида автоматик тарзда инвойслар шакллантирилади. Лицензия QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган электрон шаклда расмийлаштирилади.

Бунинг учун, "license.gov.uz" порталига кирилгач, архитектура-қурилиш бўлимидан қурилиш-монтаж босқичи танланади. Шундан сўнг, сўралган маълумотлар босқичма-босқич тўлдириб борилади. Тўлов амалга оширилгач, реал вақт режимида сўровнома Қурилиш вазирлигига юборилади. Ариза Қурилиш вазирлигининг мутахассислари томонидан белгиланган муддатларда (7 иш кунидан бир ойгача) кўриб чиқилиб, лицензиятга давлат божи юборилади.

Эътиборлиси, ҳозирда Қурилиш вазирлиги томонидан берилган барча лицензиялар вазирликнинг веб-сайтига ва "license.gov.uz" ахборот тизимига танишиб чиқиш учун очиқ маълумот сифатида жойлаштириб борилмоқда.

Бундан ташқари, Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш бўлимига 2022 йилнинг ҳозирги даврига қадар 65 та лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги ҳақида мурожаатлар ҳамда тақдимномалар келиб тушган.

Шундан:

– лойиҳа ишлаб чиқилишида қолоқликка йўл қўйган ва совуққонлик билан ёндошган 48 та ташкилотга вазирликнинг "Огоҳнома" хати юборилган;

– лицензия талаблари ва шартларини бузган 11 та ташкилотнинг лицензияси Қурилиш вазирининг буйруғи билан 10 кун муддатга вақтинчалик тўхтатилган;

– лицензия талаблари ва шартлари мунтазам ва қўпол равишда бузилганлиги сабабли 1 та ташкилот судга берилиб, суд қарорига асосан лицензияси бекор қилинди.

Бундан ташқари, Қурилиш вазирлиги томонидан лицензиялаш соҳасини такомиллаштириш ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф қилиш бўйича Ҳукуматнинг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Айни пайтда келишиш учун вазирлик ва идораларга киритилган.

Мазкур лойиҳада:

– хавфлиликнинг I тоифасидаги объектлар учун архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби хабарнома юбориш тартибига ўтказилиши;

– IV тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензиялаш тартибини жорий этилиши;

– лицензиялашда асосий иш жойи бўйича ишлайдиган ходимларнинг масъулиятини ошириш мақсадида талаб этиладиган иш стажларига аниқлик киритилиши;

– лицензия талаблари ва шартлари такомиллаштирилиши;

– республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали халқаро бизнес аренада Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суриш ҳамда уларнинг мурожаатларини қаноатлантириш мақсадида ва чет эл юридик шахсларига ҳам лицензиялар бериш жорий этилиши;

– хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни лицензиялашда Давлат экология қўмитаси ортиқча сифатида чиқариб ташланиши;

– объектлар хавф-хатарлар тоифаларининг таснифида аксарият объектлар киритилмагани сабабли амалиётдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва муаммоларни бартараф этилиши назарда тутилган.

Демак, бугун биргина лицензия олиш учун вазирлик ва унинг тасарруфидаги ташкилотларга аввалгидек бир қучоқ қилиб ҳужжатлар тақдим этиш шарт эмас. Барчаси электрон шаклда амалга оширилиши натижасида икки кунлаб йўл юриб, пойтахтга келувчи ва оқибатда анча вақтини йўлга сарфловчи тадбиркорларга ҳам катта қулайлик яратилди.

Қолаверса, бу каби тажрибалар ривожланган давлатлар анчадан буён амал қилиниб, аллақачон амалиётда ўзини оқлаган. Бугун дунёнинг энг етакчи давлатларида ҳужжатлар айланмаси ва мурожаатларни йўллаш тўлиқ онлайн шаклда амалга оширилади. Шу боис, юртимизда ҳам вазирлик, идоралар ва ташкилотларга мурожаатлар йўллаш, ҳужжатлар айланишини электрон шаклга ўтказиш йўналишларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, аввалги амалиётда ҳужжатларни кўриб чиқишда муддатлар чўзилиши, бузилиши ва инсон омили аралашуви ҳолатлари кузатилар эди. Бугунги кунда рақамлаштириш орқали мазкур ҳолатларга бутунлай чек қўйилгани ҳам соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

# "TOSHUYJOYLITI" AJ

## акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

### ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

"ToshuyjoyLITI" АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 7 июндаги қарорига асосан жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 30 июнь куни Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғ-сарой кўчаси, 43-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносидаги мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 16.00 да бошланади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.00 дан бошланади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.50 да тугатилади.

Умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2022 йил 26 июнь ҳолатига тузилади.

**E-mail:** info@toshuyjoyliti.uz.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Жамият томонидан 2021 йилда олинган соф фойда (зарар)ни тақсимлаш тўғрисида.
8. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
9. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш тўғрисида.
10. Жамият акциядорлари томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш тўғрисида.
11. Жамият Бош директорини тайинлаш ва меҳнат шартномасини тузиш тўғрисида.
12. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва/ёки фаолиятини тугатиш тўғрисида.
13. Жамиятнинг Устави ҳамда ички низомларига ўзгартириш киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
14. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.
15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғ-сарой кўчаси, 43-уйда жойлашган "ToshuyjoyLITI" АЖнинг бош офиси биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10.00 дан 17.00 гача танишишлари мумкин.

**Телефон:** 71-254-54-11.

**Кузатув кенгаши.**

# "TOSHUYJOYLITI" AJ

## BOSH DIREKTORI LAVOZIMIGA TANLOV E'LON QILADI!

Tanlovda ishtirok etish uchun O'zbekiston Respublikasi fuqarolari va tanlovda ishtirok etish istagida bo'lgan xorijiy davlat fuqarolaridan arizalar qabul qilinadi.

Lavozimga da'vogar nomzodlarning hujjatlari (rezyume yoki ma'lumotnoma, diplom va sertifikatlar nusxalari, mehnat daftarchasi, tavsiyanoma va boshqalar) 2022-yil 25-iyungacha Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Bog'saroy ko'chasi 43-uy, "ToshuyjoyLITI" AJ binosining 2-qavatida ish kunlari soat 10.00 dan 16.00 gacha qabul qilinadi.

Nomzodlar yuqorida qayd etilgan xujjatlarni elektron pochta manziliga yuborishlari mumkin.

**Bog'lanish uchun telefon:** 71-254-54-11 (108).

**E-mail:** info@toshuyjoyliti.uz

### "ToshuyjoyLITI" AJning asosiy faoliyati:

• bino va inshootlarni, muhandislik tarmoqlarini, shuningdek, avtomobil yo'llarini qurish, rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash bo'yicha loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish;

• binolar va inshootlarning, shuningdek, ularning qismlarining texnik holatini tekshirish;

• bino va inshootlarning tayanch konstruksiyalarini tiklash va mustahkamlash loyihalarini ishlab chiqish;

• tadqiqot va loyihalash va tadqiqot faoliyati;

• zilzilaga chidamli binolar qurish sohasida ilmiy-tadqiqot ishlari;

• zilzilaga chidamli konstruksiya tizimlari va inshootlarni mustahkamlash usullarini yaratish.

• yangi turdagi qurilish muhandislik uskunalarini ishlab chiqish;

• O'zbekiston Respublikasi qurilish normalari va qoidalarini takomillashtirish;

• turar-joy va noturar joy, bino va inshootlarni loyihalash va bezash ishlari;

• bino va inshootlarni qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta'mirlash bo'yicha biznes-rejalar, texnik-iqtisodiy asoslar, texnik-iqtisodiy asoslarni tayyorlash.

### Nomzodga qo'yiladigan talablar:

• arxitektura, loyihalash va qurilish sohasida oliy texnik ma'lumot;

• nomzodning yoshi 35 va undan yuqori bo'lishi;

• loyihalash bo'yicha umumiy ish tajribasi kamida 10 yil, shu jumladan rahbarlik lavozimlarida kamida 5 yil;

• o'zbek va rus tillarini erkin bilishi shart, ingliz tilini bilish mamnuniyat bilan qabul qilinadi;

• O'zbekiston Respublikasining qurilish va loyihalash, investitsiya, moliya, korporativ boshqaruv sohasidagi qonun hujjatlarini bilish;

• korporativ boshqaruv tamoyillari asosida ishlash ko'nikmalariga ega bo'lish;

• mehnatni tashkil etishning ilg'or shakllarini joriy etishni ta'minlash, korxona hodimlarining kasbiy malaka salohiyatidan to'g'ri foydalanish;

• kasbiy muloqot, diplomatiya odob-axloqi va madaniyati yuqori bo'lishi;

• tartib-intizom, halollik, adolatlilik, o'z-o'zini tanqid qilish, qat'iyatlilik, tashabbuskorlik, mas'uliyatni namoyon etish;

• muammoli vaziyatlarda o'z vaqtida va malakali qaror qabul qilish qobiliyati;

• axborot texnologiyalaridan foydalanishda ishonchli bilim va ko'nikmalarga ega bo'lish.

• kamida 10 ta ijtimoiy soha obyektlari va administratsiya obyektlarini loyihalash hamda qurilish ishlarida ishtirok etgan bo'lishi kerak.

